

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимояга рухсат этилди

ФИТФ факультети декани

_____ т.ф.н. А.Абдуллаев

“ ___ ” _____ 2010й

Азимов Отабек Ваҳобжонович

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий
партияларнинг ўрни

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5380100-юриспруденция(ислом ҳуқуқи)

Илмий раҳбар: ю.ф.д.проф., А.Х.Саидов

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Мундарижа.

| | |
|--|--------------|
| Кириш | 3-6 |
| БИРИНЧИ БОБ. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демакратлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш. | |
| 1.1 Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми | 7-17 |
| 1.2 Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийлик тизими ривожланиши “Кучли давлатдан-кучли - фуқоролик жамияти” сари илгарилаш омили сифатида | 18-33 |
| ИККИНЧИ БОБ. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти вакиллик органларини шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни. | |
| 2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни | 34-46 |
| 2.2. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни | 47-51 |
| ХУЛОСА | 52-56 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 56-60 |
| ИЛОВАЛАР | |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликдан сўнг қўлга киритган ютуқларини сарҳисоб қиладиган бўлсак, олиб бораётган барча соҳалардаги ислохотлар узокни кўзлаб, “ўзбек модели”нинг таркибий қисми бўлган “босқичма-босқичлик” тамойили асосида олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Ислохотлар дастлабки босқичда мустақилликни мустахкамлашга қаратилган бўлса, бу вазифа асосан адо этилгач, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сари одим ташланди. Мамлакатимизда турли сиёсий институтлар, жумладан, сиёсий партияларнинг фаолияти тубдан ўзгариб улар учун зарурий ҳуқуқий асослар яратилди. Бу жараёнларнинг бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолар экан. Президентимиз И.А.Каримов “Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқороларнинг сиёсий партиялар ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хохиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади” деб таъкидлайди.¹

Республикамиз сиёсий ҳаётида ҳозирда мавжуд сиёсий партиялар ўтиш давридаги ижтимоий-сиёсий муракабликларга қарамай ўзининг давомий фаолиятини сақлаган ҳолда йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида баъзи сиёсий партиялар мақсадлари ва дастурий вазифалари яқинлигини сезган ҳолда бирлашиш йўлини тутган бўлсалар, айримлари конституциявий тузумга зид фаолиятлари учун расман тугатилди. Демакратик ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишда миллий қонунчилигимиз соҳага доир қонунлар

¹ Каримов И.А.Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси.-Тошкент.: 2007 –Б.32

ва қонуности ҳужжатлари мавжуд. Лекин, қонунлар догма бўлмай жамият ва давлат тараққиёти билан ҳамоҳанг ривожланишини инобатга олсак бу соҳадаги қонунчиликни янада тадқиқ этишни тақозо этади. Мавзунинг долзарблиги шундаки, сиёсий партиялар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўташини ҳамда уларнинг аҳолининг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги, фуқороларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга доир фаолиятини, қонунчилик ва ижро ҳокимиятига таъсир этишини таҳлил қилишдан иборатдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида сиёсий партияларга доир қатор қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларда сиёсий партияларни тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилган. Бу ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, улар “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида”ги ва шу соҳага бевосита алоқадор ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аксини топган. Фуқоролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган, сиёсий партияларнинг фаолиятини борасида бир қанча ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, ўзбек олимларидан И.Р.Беков², Д.Қ.Ахмедов³, Э.Х.Ҳалилов⁴, С.А.Аббосхўжаев⁵, М.Қирғизбоев⁶,

² “Сайлов ва сиёсий партиялар” Т, ТДЮИ.2004 й., “Сиёсий партиялар ва жамиятни демократлаштириш.”Т.:ТДЮИ нашриёти, 2009. 31 бет.

³ “Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим.” Т.:ТДЮИ нашриёти,2004.35 б.

О.Т.Хусанов⁷, хорижий олимлар қаторида Ю.А.Юдин⁸, В.В.Лапаева⁹, М.Дювержи¹⁰, С.Е.Заславский¹¹ ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Бу олимлар ўз тадқиқодларида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб бериб, уларнинг турли қирраларини ўрганганлар.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишдан кўзланган мақсад – сиёсий партияларга доир миллий қонунчиликни тадқиқ этиш, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида ва сайловлар оралиғидаги фаолиятини танқидий баҳолаб ўрганиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантири ҳамда фаолитида сиёсий партияларнинг тутган ўрнини кўрсатиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг вазифаларини кўрсатиб беришдан иборат. Шу бир қаторда ушбу баён этилаётган мавзу ўзининг умумий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ўз олдида қуюдаги мақсадларни белгилаб олади:

–Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқини кўрсатиб бериш,

–Сиёсий партияларнинг молиявий таъминотини янада такомиллаштиришга доир масалаларни,

–Сайлов қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлардан кўзланган мақсадларни,

–“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш

⁴ “Ўзбекистон Республикасининг вонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар.”-Т.,Ўзбекистон , 2001-384б, “Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши” Т.,Ўзбекистон ,1999 й.

⁵ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш”: юрид.фан.ном. дис....-Тошкент, 2007.-156 б

⁶ “Фуқоралик жамияти :Сиёсий партиялар, мафқуралар маданиятлар.” Т. Шарқ 1998 й.-160 б.

⁷ “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларга шарҳлар.-Т,Адолат, 2007й. 52 б.

⁸ Политические партии и право в современном государстве .-М.:ИНФРА-М, 1998.-350 с.

⁹ Право и многопартийность современной России.-М.: Норма, 1999 .300-с.

¹⁰ “Политические партии.-М.: Академический Проект , 2005-554 с.

¹¹ Политические партии России: Проблемы Правовой институционализации.-М.Институт права публичной политики, 2003. 300 с

тўғрисида”ги Конституциявий қонунга биноан сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро ҳокимияти тизимини шакллантиришдаги имкониятларини таҳлил этиш,

–Республикамиздаги мавжуд сиёсий партияларни сиёсий элитани шакллантиришдаги ўрнини белгилаб олишни,

–Халқ депутатлари вилоят туман шаҳар Кенгашларидаги ва Қорақолпоғистон Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳларининг фаолият механзларини таҳлил этиш ва сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этишга доир масалаларни ўрганиш,

–Сиёсий партияларнинг сиёсий партияларнинг жамоатчилик функциясини ўрганиш ва амалиётдаги камчиликларини кўриб чиқиш иборат.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, иккита боб, тўртта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

**БИРИНЧИ БОБ. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада
демакратлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнида
сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш.**

1.1 Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми.

Бугунги кунда демакратик ҳуқуқий давлатни сиёсий партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демакратик жамиятда сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар бевосита давлат фаолиятининг устуворлиги йўналишларини белгилашда иштирок этади. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида бўлсада, лекин унга қадар қабул қилинган “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни бу борадаги қонунларнинг дастлабки хисобланади. 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ушбу қонуннинг 1-моддасида “Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонунийликни биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқороларнинг хоҳиш иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари илмий техникавий, маъданий – маърифий, физкултура-спорт ва бошқа кўнгилли бирлашмалар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқороларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади”¹² деб кўрсатиб ўтилган.

Асосий қонунимизда сиёсий партиялар ташкилий ҳуқуқий асосининг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, унинг сиёсий партиялар ҳуқуқий

¹² Ўзбекистон Республикаси “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1991-4-сон. 76 модда

мақоми белгиланиши билан бир қаторда, фуқороларнинг сиёсий партияларга уюшиши ҳуқуқлари ҳам белгиланган (34-модда). Сиёсий партиялар муҳим конституциявий институт сифатида конституциянинг XII жамоат бирлашмалари боби 60-моддасида “сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар Ўзбекистон фаолиятининг молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган белгиланган тартибда ошқора тартибда ҳисоботлар бериб турадилар.”¹³

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг жами 13 та моддасида партияларга доир қоидалар келтирилган. Асосий қонунимиз бўлган Конституцияда сиёсий партияларга доир бу қадар эътибор республикамизда сиёсий партияларни муҳим конституциявий институт эканлигидан далолат беради.

“Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳамда улар фаолиятининг бундай конституциявий-ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамланиши замонавий конституциявий қонунчиликда қуюдаги бир неча ёндашувлар мавжуд эканлигини кўрсатади.

Биринчи йўналиш, конституцияларда сиёсий партиялар тўғрисидаги сўз бормайди,

Иккинчи йўналиш, Конституцияларда тўла ёки қисман сиёсий партияларнинг роли ва сиёсий партияларнинг айрим тамойиллари ҳақида қоидалар мавжуд,

Учинчи йўналиш, Конституцияларда ягона, бошқарувчи ва раҳарий партияларнинг мавжуд бўлишини назарда тутди ва бошқа партияларнинг фаолияти тақиқланади,

Тўртинчи йўналиш, барча партиялар тақиқланади ва шу сабабли сиёсий партиялар тўғрисида сўз бормайди,

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т .: Ўзбекистон, 2008.Б-13.

Бешинчи йўналиш, аниқ кўрсатилган партияларга ёки муайян соҳадаги партияларга рухсат берилади ва бошқа партиялар таъқиқланади.”¹⁴

Мамлакатимиз Конституциясида сиёсий партияларга доир қоидаларнинг сезиларли даражада мавжудлиги Конституциямизни иккинчи гуруҳга тааллуқли эканлигини кўрсатади ва Конституция белгилаб берган устувор йўналишлар асосида сиёсий партиялар фаолиятини аниқ йўналишларини тартибга солишга мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда Олий Мажлис томонидан “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда сиёсий партия тушунчаси, сиёсий партияларни тузиш ва уларни фаолият кўрсатиш принциплари, улар фаолиятининг қафолатлари, сиёсий партиялар устави ва дастури, сиёсий партияларга аъзолик, сиёсий партияларни рўйхатга олиш, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари, Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлариги партиялар гуруҳлари, сиёсий партиялар мулки, сиёсий партияларни маблағ билан таъминлашга оид қоидалар белгиланган. Қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга таъриф берилиб, уни қуюдагича изоҳланади: “Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси фуқороларини қарашлар манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда жамиятнинг муайян қисмининг иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир.”¹⁵

Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни айрим йўналишдаги сиёсий партияларни тузишни ман этади. Улар қуюдагилар:

¹⁴Чиркин В.Е.Правовае положение политических партий:российский и зарубежный опыт./журнал российского право .-М., 1999 -№ 3-4.-С 125-126.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси.1997 йил 2-сон. 36 модда

Биринчидан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилувчи,

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси суверинитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқороларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи,

Учинчидан, уришни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи,

Тўртинчидан, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи,

Бешинчидан, миллий ва диний руҳдаги партиялар.

Бу йўналишларни айрим тадқиқодчилар торайтириб ёки кенгайтириб юбордилар. Жумладан И.Беков ўз илмий ишида бу рўйхатга **касбий йўналишдаги** партияларни ҳам қонунчиликка киритишни тавсия қилиб, бир касб эгалари манфаатларини кўзлайдиган сиёсий партияларнинг жамоат бирлашмасидан фарқи қолмаслигини далил сифатида келтиради.¹⁶

Президентимиз И.А.Каримов баъзи бузғунчи, мамлакатда демакратик тузумни ағдариш билан йўғрилган ғояларни илгари сурувчи партиялар фаолиятни таъқиқлаш масаласига атрофлича ёндошар экан шундай фикрларни билдирадилар: “Айни замонда мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партиялар ва ҳаракатлар, шуни аниқ айтишим керак, таъқиқлаб қўйилиши керак. Республикаси чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб қиливчи, демакратик эркинликлар ва халқнинг маънавиятиасосларига тажовуз қилувчи ҳар қандай партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши лозим.”¹⁷

¹⁶ И.Беков “Олий Мажлис Қонунчилик палатасини фаолиятида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари .ю.ф.н. дис.. Т.: Б 35.

¹⁷ И.А.Каримов.Истиқлол йўли: муоммолар ва режалар//Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Т., 1996.-17-б.

Сиёсий партиялар фаолиятда унинг устави муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир партия уставида партиянинг фаолият йўналиши, режаси, унинг сиёсий тактикаси белгиланган бўлади. Партиялар уставларини шартли равишда партияларнинг паспорти деб ҳисобласак бўлади. Чунки Уставда партиянинг номи, мақсад ва вазифалари, партиянинг тузилиши, партия аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари, партия аъзоларинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, партия ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари, уларни ваколатлари, партия маблағлари шакллантириш манбалари, партия раҳбар органи манзили, партия фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек партия фаолиятига оид бошқа маълумотлар кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиш учун устав қабул қилингандан сўнг бир ойдан кечиктирмай зарурий ҳужжатларни тақдим этади. Адлия вазирлиги бир ой ичида ҳужжатларни кўриб чиқиб рўйхатдан ўтказди ва партиялар юридик шахс мақомига эга бўлади.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида сиёсий партияларни рўйхатга олишни рад этиш тартиби белгиланган, унга кўра “Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституция, ушбу қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.”¹⁸

Бундан ташқари Республикада фаолият юритаётган бирор-бир сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Конституция, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ёки Ўзбекистон устави бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бузилган нормани ҳисобга олган ҳолда партиянинг раҳбар органига ёзма хабар юбориб бундай бузилишларни бартараф этиш учун муддат

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси -1997. 2-сон, 36 модда.

белгилайди. Агарда белгиланган муддатда давомида бузилишлар бартараф этилмаса, Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятининг олти ойгача тўхтатиб қуйиши мумкин.

Сиёсий партиянинг фаолият ушбу халатларда бутунлай тугатилади: партияларнинг ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетиши орқали, бу ҳақда партия олий органи уч кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги га хабар қилади;

Партиялар сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 3- моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-харакатларни содир этган ҳолларда ёки ўзфаолияти тўхтатиб қўйилгандан сўнг бир йил муддат ичида ўша хатти харакатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларидаги эълони сиёсий партиялар фаолитини якунлайди.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларнинг ривожланиш тарихида партияларнинг тугатилиши ва бирлашиши жароёни бир неча марта содир бўлди. Лекин икки палатали профессионал парламентимиз шаклангандан бери партияларнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши ҳолатлари содир бўлмади. Шу ўринда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунда **сиёсий партиялар фаолияти вақтинча тўхтатилганда ёки тугатилгандаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция ҳуқуқий ҳолати кўрсатиб берилиш масаласи очик қолдирилган.** Ушбу ҳолатлар содир бўлганда сиёсий партия фракциянинг қандай тартибда фаолият юритилиши қонунда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда айтиш лозимки, партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишларининг кафолати, бу уларнинг узликсиз молиявий асосларга эга бўлишларидир. “Ҳозирги давр қонунчилиги сиёсий партиялар фаолиятининг барча йўналишларидаги молиявий маблағларини аниқлаштириб, уларнинг партиялар фаолияти турларига кўра тақсимланиш, партияларнинг аниқ манбалардан маблағ олиш шартлари ва ишлатиш тартибини ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаб бермоқда. Бу фаолиятдаги турли чекловларни, яъни хайрия бериш меъёрлари харажатлар кабиларни мувофиқлаштиришга доир ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Сиёсий партиялар белгиланган шартларни бажармасликлари ёки уларни бузишлари ҳуқуқбузарлик сифатида талқин этилиб, партияларга турлича то уларни тарқатиб юборишга қадар санкциялар беришнинг ҳуқуқий амалиёти ҳам ўрнатилган.”¹⁹

Бугинги кунда Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия, Жанубий Корея ва Ҳиндистон каби демократик мамлакатларда сиёсий партиялар фаолияти кенгайиши ва бу соҳада уларнинг сарф-харажатлари йилдан-йилга кенгайиб бориши натижасида уларнинг серқирра фаолиятини давлат томонидан таъминлаш муоммолари келиб чиқмоқда. Партияларнинг ривожланиш тарихидан маълумки, партиялар узликсиз келадиган молиявий маблағларсиз ўз мақсадларини тўлиқ бажара олмаганлар. Шу муносабат билан дунёнинг кўплаб мамлакатлари қонунчилиги партияларни давлат томонидан молиялаштиришга аҳамият бера бошлади. Демократик ҳуқуқий мамлакатлар қонунчилигига эътибор берсак, сиёсий партияларни таъминлашга боғлиқ уч хил ёндашувга гувоҳ бўламиз.

Биринчи гуруҳ, партияларни хусусий маблағлари яъни партияга кириш ва аъзолик бадаллари, партия тадбирларидан (кўргазмалар, маърузалар ва

¹⁹ М.Қирғизбоев. Ўзбекистон на пути гражданскому обществу//Ўзбекистон фуқоралик жамияти сари .Сборник статей.Отюред.: Р.Алимов.- Т.: Шарқ . 2003. Б-209.

бошқа маб.) олинадиган тушумлар ва тадбиркорлик фаолияти ва мулкдан келадиган даромадлар.

Иккинчи гуруҳ, партияларни қисман молиялаштириш. Бунда давлат сиёсий партияларни айрим фаолиятларини молиялаштиради.

Учинчи гуруҳ, партияларни давлат томонидан молиялаштириш. Бу молиялаштириш сиёсий партиялар тўғрисидаги ҳозирги давр қонунчилигининг асосий тамойилларидан бирига айланмоқда.

Республикамизда ҳам сиёсий партияларни молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида, 2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди. Ушбу қонунда партияларни давлат томонидан молиялаштириш, партияларнинг молиявий манбалари ва уларнинг қандай фойдаланишлари тўғрисидаги нормалар киритилган. Қонуннинг 2- моддасида “Сиёсий партиялар, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияни тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставида назарда тутилган фаолиятни молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади”²⁰ деб белгилаб қўйилган. Демак мамлакатимиздаги қонунчилик сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришни шарт сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракция тузиш учун зарур бўлган депутатлик ўринларини (9 нафар) талаб этади.

Сайлов яқунларига кўра зарур депутатлик ўринларига эга бўлган сиёсий партиялар уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик хажми шу маблағлар олинаши

²⁰ Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисидаги ” Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 2002 12-сон, 215 модда

учун мўжалланган йилдан олдинги йилнинг 1 январ ҳолатида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охири сайловда сайловчилар ройхатига киритилган фуқоролар сонига кўпайтмаси ўз депутатлари сонига мутаносиб белгиланган маблағлардир. Бугунда мавжуд сиёсий партияларимизнинг фаолиятини кенгайтириш турли янги йўналишлар очилаётганини ва бозор муносабатларига тортилаётгани сабабли уланинг янада самарали фаолияти учун ушбу моддадаги миқдорни кўпайтириш лозим. Сиёсий партияларга бугунги кунда фуқоролар орасига янада чуқурроқ кириб бориши ва бошқа аниқ мақсадли вазифаларининг амалга ошириш учун **давлат маблағларининг йиллик хажми шу маблағлар олинishi учун мўжалланган йилдан олдинги йилнинг 1 январ ҳолатида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини тўрт фоизга қадар оширилиши** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Шу ўринда сиёсий партияларнинг молиялаштиришга доир айрим чекловларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида сиёсий партияларга хайрия ёрдамини чеклашга доир нормалар кўрсатилган. Унга кўра сиёсий партияларга пул ва бошқа кўринишдаги маблағларни:

- Чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваклатхоналари ва филиаллари,
 - Халқаро ташкилотлар, уларнинг ваклатхоналари ва филиаллари
 - чет эл инвестицияси асосидаги корхоналар,
 - чет эл фуқоролари,
 - фуқоролиги бўлмаган шахслар²¹ томонидан берилишига йўл қўйилмайди.
- Қонунчиликдаги бундай чекловларнинг мавжуд бўлиши сиёсий партияларнинг баъзи хорижий “хайрихоҳлар”дан ҳалос этиб, мамлакат барқарорлиги ва мавжуд хокимиятнинг самарали фаолияти учун зарурий жараён дир. Охири

²¹ “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2004. 5-сон, 86- модда

йилларда Украина. Грузия ва кўшни Қирғизистонда содир бўлган “рангли инқилоблар” да асосий ҳаракатланувчи кучлар турли жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар эканлиги бу чекловларнинг мавжудлиги ижобий ҳол эканлигини исботлади.

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунининг 13, 14 моддаларидаги Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсларининг хайрия ёрдамларининг миқдорини ҳам кўриб чиқилиши лозим. Қонунда сиёсий партиянинг йил давомида бир юридик шахс томонидан олинган хайрия ёрдами йилнинг биринчи январдаги ҳолатига кўра белгиланган енг кам иш ҳақининг беш минг баробаридан, Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларининг хайрия ёрдамларининг миқдори беш юз баробаридан ошмаслиги белгиланган. **Ушбу миқдорни сиёсий партиялар фаолиятини янада фаоллаштиришни назарда тутган ҳолда икки баробарга Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари учун ўн минг баробаргача, жисмоний шахслар учун минг баробаргача ошириш мақсадга мувофиқдир.**

Сиёсий партияларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигининг ошиши уларнинг фаолиятининг жонланишини, рақобатдошлигини оширади, сайловлар оралиғидаги ишлаш механзларинининг ҳам тақомиллашишига, партияларнинг жойлардаги бўлинмаларини кенгайтишига олиб келади. Шу билан бирга партияларнинг йиллик ҳисоботларига жамоатчиликнинг эътибори ошишига хизмат қилади.

Маълумки сиёсий партиялар республикамизда жамоат бирлашмалари сифатида кўрсатилади. Шу ўринда сиёсий партияларнинг жамоат бирлашмаларидан фарқли жиҳатларини англаб олиш зарур. Немис олими доктор Райнхард Крумм бу борада қарашларни баён этиб, “биринчидан партияларни нодавлат ноижорат ташкилотлари билан аралаштириб юбормаслик, иккинчидан бир семантик тушунча остида сиёсий партияларнинг

хар хил турлари умумлаштирмаслиги учун ушбу тушунчанинг семантик доираларини хаддан ташқари торайтириб қўймаслик зарур.”²²

Муаллиф партия тушунчаси қуюдаги мезонларга жавоб беришини назарда тутлади: жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир ўтказиш, ташкилиш тузулмаларнинг очик ошкоралиги, жамоатчиликнинг кенг катламлари учун очиклик ва улар билан ўзоро ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлик. Муайян миқдорда партия аъзоларинг бўлиши кераклиги ва ниҳоят фақат сайлов компанияси даврида эмас, фаолияти давомида фаолиятининг тартибга солиниши.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг қанчалик муҳим аҳамият касб этиши, уларга яратилган ҳуқуқий базанинг нечоғлик мустаҳкамлигиги боғлиқдир. Республикамизда тадрижий равишда ривожланиб бораётган бу соҳага оид қонунчилик сиёсий партиялар учун жамиятда ўз тарафдорларини манфаатларини ифодалаш, сайловлар жараёнидаги ҳалол сиёсий рақобатга киришиш ва давлат хокимиятини шакллантиришда эркинлик яратмоқда. Шу билан бирга сиёсий партияларга оид қонунчиликни хорижий тажрибалар асосида доимий равишда ривожланиб бориши ҳам зарурий ва табиий жараён бўлиши даркор деб ҳисоблайман.

²² Германиянинг сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни.Т.: Маъул муқаррирлар А.Саидов, Райдрад Крумм Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.2007.Б-5.

**Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийлик тизими ривожланиши
“Кучли давлатдан-кучли - фуқоролик жамияти” сари илгарилаш омили
сифатида.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, иттифоқдан мустақил бўлган, давлат тузилмаларини шаклланиши, собиқ коммунистик партиянинг бутунлай тугатилиши натижасида фуқоролик жамияти институтлари шаклланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Юртимизда халқ манфаатлари ва сиёсий иродасини эркин билдириш, эркин ифода этиши учун ҳуқуқий асослар, ҳамда эркин сиёсий муҳит яратилиши билан узвий тарзда сиёсий партиялар ҳам тузила бошланди.

Собиқ иттифоқдан мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда кўппартиявийлик шаклланиши учун албатта, бироз вақт талаб этилар, чунки совет давлати қонунчилиги барча жабхаларда бирпартиявий тизимини мустахкамлаб, ҳуқуқий механизмлари яратиб қўйганди. Барча миллатлар учун “ҳуқуқий ҳимоячи” бўлган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Конституциянинг 6-моддасида бу норма қуйдагича ифодаланган эди: “Совет жамиятининг раҳбар ва этакчи кучи совет жамияти сиёсий системасининг, барча давлат ва жамият ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун яшайди ва халққа ҳизмат қилади.”²³

Мамлакатда Совет жамиятининг “раҳбар ва этакчи кучи” саналган ана шу партиянинг фаолияти барча иттифоқдош мамлакатларига демократик ва чинакам халқ манфаатларини ифодаловчи партиялар тузилмаслигининг бош сабабчиси ҳисобланган.

Мустақиллигимиздан сўнг демократиянинг асосий мезонларидан бири сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказилиши учун ҳуқуқий асослар аниқ белгилана бошлади. 1991 йил ноябр ойида қабул қилинган “Ўзбекистон

²³ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Конституцияси. Ўзбекистон, 1977. С-6

Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунда сайлов кўппартиявийлик асосида ўтказилиши ва партияларга бу сайловларда номзод кўрсатиш ҳуқуқий жихатдан мустахкамланди. Ўзбекистон Республикаси “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ҳуқуқий жихатдан таъминлаб бериши натижасида янги сиёсий партиялар юзага кела бошлади. Тўғри Республикamızда собиқ Иттифоқ парчаланиши арафасида иттифоқдош Республикалар қатори турли сиёсий гуруҳлар ва ҳаракатлар юзага кела бошлади. Лекин уларда аниқ бир мақсад ва дастурларнинг мавжуд бўлмаганлиги уларнинг кейинги фаолиятини бутунлай бошқа тарафларга оғиб кетишига сабаб бўлди. Жумладан, 1989 йилда тузилган Бирлик ҳаракати ўша вақтдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, турли митинг ва намойишлар орқали ўзини “халқпарвар ” қилиб кўрсатиши ҳамда шу асосда сохта обрў ортиришга ҳаракат қиларди. Бу ўринда бирликчилар ҳаракатини таҳлил этган сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев фикрларини келтириш лозим: “улар ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга киришган ҳукумат ва маҳаллий органларга ёрдам бериш ўрнига, аксинча улар томонидан олиб борилаётган хайрли ишларни пайқамасликка, хаттоки энг халқчил ва ижобий ислохотларни ҳам танқид қилишга интилар эди. Шунинг учун ҳам ҳаракат халқ ичида ўз илдизига эга бўлмади.”²⁴

Бирлик ҳаракати бўлиниб кетгач, 1990 йил апрел ойида Эрк партияси тузилди ва ўз дастури, низомини қабул қилди. Ушбу ташкилот Бирлик ҳаракатига қараганда ташкилиш жихатдан бироз мукамалроқ бўлсада, ўз олдига қўйган мақсадлари баландпарвозлиги ва уни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаганлиги учун амалда уни амалга оширишнинг иложи йўқ эди.

²⁴ М.Қирғизбоев .Фукоролик жамияти”Сиёсий партиялар , мафқуралар , маданиятлар.Тошкент. Шарқ, 1998, Б-116.

Эрк партияси ўзининг тўрт йиллик фаолияти давомида турли сиёсий ўйинларга ўралашиб, тор манфаатлар гирдобига тушиб қолди.

Маълумки Ўзбекистон сиёсий тизимида мустақилликка қадар амалда бўлган бирпартиявийлик тизимдан воз кечилиб, ҳақиқий демократиянинг зарурий ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўппартиявийлик – сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, эркинлиги йўли танланди. Кўппартиявийлик тизимининг танланиши қуюдагилар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривжланади” мазмунидаги қоида мустахкамланган ва унинг мазмуни кўппартиявийлик тушунчаси билан мутаносиб;

иккинчидан, салмоқли аҳоли сонига эга бўлган бу давлатда фикрлар, қарашлар ҳам хилма—хил бўлиши табиийдир. Шунинг учун ҳам жамиятда мавжуд турли қатламлар, гуруҳларнинг манфаатини ифодаловчи ҳамда уни давлат бошқарувида амалга ошишида замин яратувчи кўппартиявийлик тизими зарур деб танланди;

учинчидан, жамиятдаги барча сиёсий кучлар ва табақаларнинг кенг иштирикни таъминловчи кўппартиявийликка асосланган сайлов давлат хокимияти вакиллик органларини ташкил этишнинг демократик кўриниши хисобланади. Сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш сайловчилар танлови учун бир неча номзодлар курашишини тақозо этади. Сайловчилар, яъни халққа ушбу номзодларнинг танлаб олишнинг реал ҳуқуқи берилади.²⁵

Миллий мустақиллик даврида ташкил топган илк сиёсий партия Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясига 1992 йил ноябрда бўлиб ўтган таъсис мажлисида асос солиниб, чинакам партияларга хос бўлган дастури ва низоми

²⁵ И.Беков, К.Ҳамидова. Сайлов ва сиёсий партиялар. Тошкент.: 2009.Б-7

қабул қилинди. Партия ўз низомида ўзини парламент партияси еканлигини таъкидлаб, партия ўзининг сиёсий йўлини давлат ҳокимияти вакиллик идоралари ва ўзини – ўзи бошқариш органларига сайлаб қўйиладиган аъзолари орқали ўтказилади.²⁶

Мазкур партия ташкил этилгандан ҳозирги даврга қадар уч маратаба президент сайлови ва тўрт марта парламент сайловларида иштирок этиб, ўз сайловчилари ишончини қозонган, ҳолда парламентда ўз фракциясини тузишга еришди. Икки палатали парламент шакллангандан сўнг 2004 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда 28 нафар, 2009 сайлов якунлари бўйича 32 нафар депутатлик ўринларини эгаллаши унинг мавқеини мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Партия ўзининг асосий ижтимоий таянчи ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис, техник ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчи ва ўқувчи, ёшлар пенсионерлар манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демакрatik давлат, инсопарвар, адолатли жамият қуригшнинг изчил тарафдори сифатида ҳаракат қилади.

Мустақиллик йилларида ташкил топган партиялардан яна бири Ўзбекистон Адолат социал-демакрatik партиясидир. Бу партия 1995 йил 18 февралда таъсис қурултойида партия дастури ва Устави қабул қилинди. Ўзбекистон Адолат социал-демакрatik партияси мамлакатимиз тарихидаги илк социал партия ҳисобланиб, унинг асосий мақсад ва вазифалари қуядагилардан иборат:

- кучли ижтимоий давлат барпо этиш,
- адолатли фуқоролик жамиятини яратиш,
- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожланишига таъсир этиш,
- жамиятда ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлаш.

²⁶ Ўзбекистон ХДП нинг низоми, дастури, 1992 Б- 22-24

Ўзбекистон Адолат социал-демакрatik партиясини таянадиган асосий ижтимоий қатлам бу- мамлакатдаги йирик ва ўрта саноат корхоналари, қайта ишлаш ва тўқимачилик корхоналарида фаолият юритаётган ишчи ҳамда хизматчилар. Шу билан бирга Адолат СДП электорати сафида илмий фаолият билан шуғилланувчилар, инновацион технологияси соҳасидаги мутахасислар, давлат ва суд-ҳуқуқи соҳаси ходимлари бор.²⁷

Республикаимиз сиёсий ҳаётида ўзига хос ўринни эгаллайдиган партиядан бири бу Ўзбекистон Миллий Тикланий Демакрatik партиясидир. Ушбу партиёга 1995 асос солиндиб, миллат бирдамлигини таъминлаш ва ҳуқуқий давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Президентимиз И.А.Каримов ушбу партиёга баҳо бериб, қуёдаги фикрларни билдирадидилар:

“Бу партиё менинг назаримда бошқалардан фарқли ўлароқ, халқимизда миллийликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш туйғулари тўғрисидаги кўпроқ қайғуриши табиийдир. Биз киммиз? Кимнинг авлодларимиз? Миллатимиз нима ҳисобидан улуғ бўлган, дунёга танилган? Бугун дунёга чиқишнинг қандай имкониятлари бор? Келажаги буюк давлат қуришни ният қилган эканмиз бунинг учун қандай ҳаётий асослар мавжуд? деган саволга жавоб топиш Миллий Тикланиш партиясининг асосий фаолиятига айланиши керак”²⁸

Миллий Тикланиш ДП ташкил этилгандан бери фаолиятига назар ташласак, 2004 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда 11 нафар, 2009 йилги сайловларда 31 нафар номзодлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлангани партиё фаолиятида сезиларли даражада ўсиш содир бўлганини кўрсатади. 2008 йил 20 июлда Миллий Тикланиш ДП ва Фидокорлар МДП билан бирлашув қурилтойи бўлиб ўтди ва икки партиясининг бирлашгани тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Янгиланган Миллий Тикланиш партиё

²⁷ <http://www.adolat.uz>

²⁸ <http://www.mtdp.uz>

сининг дастурида бу икки сиёсий кучнинг бирлашиши сабаби сифатида куюдаги икки омил кўрсатилади:

-партиянинг номларида ва уларнинг Устав ва дастурий хужжатларида мазмунида ўз ифодасини топган иккала партияларнинг мақсад ва вазифалари фаолияти яқинлиги:

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ва давлат хокимиятининг навбатдаги сайловга юқори даражада тайёргарлик кўриш ва янгиланган партия имкониятларини самарали амалга ошириш ҳамдаўз электоратининг хайрихоҳлигига эга бўлган сиёсий партиялар сифатида намоён этиш мақсадидаўз сиёсий кучлаари партияларнинг кадрлар ресурсларини ва ижтимоий қатламини бирлаштириш зарурати.²⁹

Партиянинг асосий мақсади сифатида миллат якдиллигини таъминлаш ва ҳуқуқий давлат барпо этишни кўрсатади ва Ўзбекистон Республикаси фуқороларида миллий ўзликни англашини ўстиришга ва миллий ғурур, Ватанга садоқат мухаббат туйғуларини шакллантиришга интиладилар. Шу мақсадларни амалга ошириш мақсадида ўз электорати сифатида ижодкор интелгенция, халқ таълими соҳаси ходимлари, харбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза этиш ходимлари, ватанпарвар мулкдорлар кичик ва ўрта бизнес вакилларини кўрсатади.

Республикамиз сиёсий ҳаётидаги энг ёш сиёсий партия Тадбиркорлар ва Ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛиДеП) 2003 йил 15 ноябрда ташкил топди. ЎзЛиДеП умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами кичик ва ўрта бизнес вакиллари тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилоти вакиллари ва тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш эвазига халқ

²⁹ <http://www.mtdp.uz>

фаравонлигига эришишга ҳаракат қилаётган ижодкорлар ва олимларнинг манфаатларини ифодалаш мақсадида юзага келди.³⁰

Бугунги кунда 150 мингдан зиёд аъзони ўзида мужассам этган партия 2005 йилги парламент сайловида 41 нафар ва 2009 йил сайловда 53 нафар депутатлик ўринларига эга бўлиб, парламентда нисбий кўпчилик бўлишга эришди ва партия аъзолари сони жихатидан ХДП дан кейинги иккинчи сиёсий партияга айланди.

Ўзбекистонда мавжуд сиёсий партиялар вужудга келиши ва ривожланишини таҳлил этадиган бўлсак, уларни турли натижаларга эришганини кўрамыз. Ўзбекистон ХДП ташкил топганидан бери то ҳозирга қадар барча сайловларда ўз Устав ва Низомларида белгиланган вазифаларини амалга ошираётганини, Адолат ва Миллий Тикланиш партиялари ривожланиш ва сиёсий ҳаётдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари бир бирига яқин бўлиб, охириги парламент сайловларида улар деярли бир хил натижага эришди.

Шу ўринда, мамлакатимиз сиёсий партиялари илгари сурилаётган асосий гоялар ўртасида фарқлар йуклигини айтиш мумкин. Партиялар дастурларида кўпроқ умумий устивор аҳамиятга эга масалалар кўрсатилганлиги, баландпарвозлик юқорилиги яққол сезилиб туради. Сиёсий партиялар дастурларида аниқ яққол фактлар кўринмайди, балки бир қоллига туширилгандай тасаввур ҳосил булади.

Сиёсий партиялар ривожланиши тарихидан маълумки ҳар бир ташкил этилган сиёсий партия ўзи суянадиган ва қўллаб қувватлайдиган электорати (лот.elektor - сайловчи; elektorate – сайловчилар контингенти, сайлов корпуси³¹) мавжуд бўлади. Партия ана шу тоифа ва гуруҳлар манфаати учун давлат ҳокимиятида фаолият олиб боради. Электорат сиёсий партиялар ҳаётида жуда муҳим ўрин эгаллаб, партиялар электоратининг қимлиги ва миқдори

³⁰ Тадбиркорлар ва Ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Дастури. Тошкент 2008 Б-5.

³¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Масъул муҳаррир Н.Тўйчиев. -Т.: Адолат, 2009.Б-548

партиянинг давлат ҳаётидаги таъсини белгилаб беради. Мамлакатимиз сиёсий партияларининг электоратини таҳлил этиб кўрсак улар ўртасида аниқ фактларни билиш мушқил ва тушинмовчиликлар мавжуд. Охирги парламент сайловларида сиёсий партиялар савловолди платформаларида ўз дастури ва электорати масаласига ойдинлик киритишга ҳаракат қилишсада улар барибир умимий ҳарактер касб этмоқда. Айниқса бу Ўзбекистон ХДП ва Адолат СДП дастурларининг бир бирига яқинлигида кўзга ташланади ва улар фаолият йўналишлариниянада аниқроқ қилиб олмасалар келажакда уларни бирлашиб кетиши мумкинлиги тўғрисидаги фаразларга ҳам олиб келиши мумкин.

Бу масалада охирги йиллардаги Европа сиёсий партиялари муносабатига назар ташласак, дастур ва низомларида кўрсатишган ўз электорати доирасидан кенгроқ қатламларни қамраб олишга олишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки сайлов жараёнида маълум бир гуруҳ манфаатини ифода этиш улар учун камлик қилмоқда. Лекин мамлакатимиз сиёсий партиялари маълум бир қатлам манфаатларини давлат даражасига кўтариш орқали давлат манфаатини ифодалашга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай қарашлар ЎзЛиДеп дастурларида мавжуд. Партия тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларига имтиёзлар бериш, шу орқали иш ўринларини яратиш, солиқ тушумларини кўпайтиришни ва иқтисодий ҳаётни барқарорлаштиришни мақсад қилиб қўйганлар.

Республикамизнинг мустақиллигидан бугунги кунга қадар такомиллашиб келётган кўппартиявийлик тизимимизда сиёсий партиялар шаклланиб улгирдими ёки шаклланиш босқичидами деган ўринли савол туғилади. Ушбу масала юзасидан сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев: “сиёсий партиялар ўз шаклланиш даврининг нихоясига етказиш босқичига ўтди”³² деб хисобласа,

³² М.Қирғизбоев. Фуқоралик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Тошкент. Шарқ, 1998. Б-145.

Ш.Мамадалиев “Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари шаклланиш босқидаги партиялар”³³ деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштиришга доир ислохотлар натижасида уларнинг жамиятдаги иштироки йилдан-йилга фаолашиб бормоқда. Сиёсий партиялар демократик равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уларга доир қонунчилик асослари янада ривожлантирилмоқда. 2006 йил ноябр ойида Президентимиз томонидан Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киригтган ва 2008 йил 1-январдан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда катта қадам бўлди. Ушбу қонун саккиз моддадан иборат бўлиб, улар Республика Конституция тегишли тузатишлар (89 модда, 93 модданинг 15-банди ва 102-модданинг 2-қисми) ва амалдаги қонун ҳужжатларига ва қўшимчалар киритишга асос бўлади. Ушбу қонуннинг мақсади қонуннинг 1-моддасида баён этилиб, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизацмя қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш ҳисобланади. Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз сиёсий тизими учууцн янги бўлган, сиёсий маслахатлашув институтини киритди. Конституциявий қонуннинг 4 ва 6 моддаларида бундай маслахатлашувлар тўғрисида қоидалар киритилган бўлиб, бу қонунчилигимиз учун янгилик ҳисобланади. Миллий Қонунчилигимизга назар ташлайдиган бўлсак айни конституциявий қонунда белгиланган сиёсий маслахатлашувни Қонунчилигимизнинг бир нормасидан бошқа ҳолатда учратмаймиз. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боб 95 моддасида қуодагича ифодаланган: “Қонунчилик палатаси ва Сенати

³³ Ш.Мамадалиев. Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари:шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истикболлари. - Тошкент.: “Ўқитувчи” НМИУ,2008.Б-16.

таркибида уларнинг нормал фаолиятига тахдид солувчи хал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституция зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис нормал фаолиятига тахдид солувчи хал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди билан бамаслахат қабул қабул қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.”³⁴

Парламентни Президент Конституциявий суд билан бамаслахат тарқатиб юбориш учун этарли ҳуқуқий асолар бор. Чунки, парламентни тарқатиб юбориш учун асос бўладиган конкрет вазиятлар белгилаб қўйилган кўплаб Европа Конституцияларидан фарқли равишда, бизнинг Конституцияда парламентни тарқатиб юбориш имконияти қуюдаги вазиятлар икорсатиб беради:

Биринчидан, Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига тахдид солувчи хал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;

Иккичидан, улар бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда;

Учинчидан, Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига тахдид солувчи хал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;

Тўртинчидан, тарқатиб юбориш учун Конституциявий суднинг розилиги бўлганда.³⁵

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т .: Ўзбекистон, 2008.Б-27.

³⁵ Х.Юнусов. Ўзбекистон демократик ислохотлар: тадриж ва тақомил.: Демакратлаштириш ва инсон ҳуқуқлари., 2007.№ 3 Б -8

Юқорида биз маслахатлашув институтнинг Президент ва Конституциявий суд ўртасида содир бўлганини кўриб ўтдик. Бу ҳолатда маслахатлашув маълум тор доирада, амалиётимизда деярли учрамайдиган фақат бир масаладалиги қбилан ажралиб турса, Конституциявий қонундаги маслахатлашув жараёни эса ҳақиқатдан ҳам Республика президентининг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда ҳамкорлигини таъминлаш тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг 4 моддасида “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари мансабдор шахслари сайланган ва органлари шаклланидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан билан сайланган депутатлар билан маслахатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этади”³⁶ деб кўрсатилган. Агарда овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари сонининг кўпчилиги овозини ололмаса Ўзбекистон Республикасининг президенти ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан билан сайланган депутатлар билан қўшимча маслахатлашув ўтказганидан сўнг яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёки Сенати Бош вазир номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади. Қонундаги белгиланган ушбу қоидалар Ўзбекистон сиёсий

³⁶ “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси -2007.4 сон. 161 модда.

тизимда Президентлик институтининг энг муҳим масалаларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатса, иккинчи тарафдан сиёсий партияларнинг фракциялари давлат раҳбарига ҳукуматни шакллантиришда рўлини кўрсатади. Конституциявий қонуннинг яна бошқа бир олтинчи моддасида Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби белгиланган бўлиб, Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказгандан сўнг халқ депутатлари Вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади. Ушбу масаланинг олдинги қонунчиликдаги кўринишида, Президент вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаб кейинчалик ушбу масалани халқ депутатлари кенгашларига киритар эди. Конституциявий қонунда бундай норманинг мавжуд бўлиши партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларини ахамиятини ошириб, фаолиятини янада эркинроқ олиб боришга шароит яратади. Таққослаш учун мисол келтирадиган бўлсак, мамлакатимизнинг 18 йиллик тараққиёт йўлида вилоят ҳокимларининг тўлиқ беш йилликдаги барқарор фаолият олиб боргани кам учрайди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида бўлиб ўтган халқ депутатларининг навбатдан ташқари йиғилишларида Президентимизнинг қатнашиши ва вилоят ҳокимларининг олиб борган фаолиятларидан кўплаб нуқсон ва хатолари туфайли лавозимидан озод этилганлигига гувоҳ бўлганмиз.

Бу ўринда айтиш лозимки, Кенгашлардаги ҳар бир депутат партияларнинг жойлардаги вакиллари дир. Улар ўзи сайланган ҳудудлардаги ўзига хос шарт шароит ва мавжуд вазият билан танишдирлар. Депутатларнинг ўз ҳудудларига хос муоммоларни ҳал қилишда тўғри йўللарни кўрсатадиган муҳим шахс ҳисобланиб, бу ўринда президентнинг улар билан маслаҳатлашуви тўғри қарор қабул қилиниши учун энг мақбул йўللاردан биридир. Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши натижасида бир вақтнинг ўзида марказдаги қонун

чиқарувчи орган депутатлари билан, жойларда эса тегишли халқ депутатлари Кенгаши партия гуруҳлари маслаҳатлашув жараёни юз беради.

Мамлакатимизда охириги йилларда қабул қилинаётган, халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай қонунлар сиёсий партияларнинг кенг кўламдаги фаолияти учун хизмат қилиш баробарида, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Республикамиз сиёсий партияларинин бугунги кундаги фаолиятини атрофлича таҳлил етган ҳолда бир қатор мулоҳазаларни билдириш мумкин.

Биринчидан, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувининг барча соҳаларидаги иштироки доираларини янада кенгайтириш уларнинг сиёсий элитани шакллантиришдаги роли билан ҳам боғлиқдир. Бу борада уларда аниқ йўналтирилган тизимли бир дастурлар йўқлиги боис, партияларда чинакам этакчилар, партиянинг ғоявий йўлбошчилари кўзга ташланмаяпти.

Икинчидан, сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш лозим. Таъкидлаш лозимки охириги йилларда сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлашдаги фаоллиги сезиларли даражада кучайди. Барча сиёсий партияларда ўз ёшлар қанотининг шаклланганлиги ана шундан далолат бермоқда.³⁷ Улар партия мафқурасини ёшлар орасида тарғиб қиладилар, уларнинг муоммолари билан қизиқадилар. Лекин ушбу партия ташкилотларининг кўпинча тадбирвозликка зўр бераётгани, расмиятчиликнинг юқори руҳдалиги ва рақамлар кетидан қувиши ёшларнинг партиявий фаолиятидан бутунлай совишига олиб келмоқда. Партия янги аъзо бўлган ёшлар (айниқса талаба ёшлар) бир-икки марта партиявий тадбирларда қатнашганидан сўнг, уларнинг бундай тадбирларга келиши кескин камайиб кетмоқда. Чунки ёшларнинг аксарият партиявий мажлисларида кўтарилган муоммолар фақат мажлисларнинг ўзида қолиб кетмоқда. Бундан ташқари

³⁷ Нодира Расулова. Сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари.//Ижтимоий фикр.инсон ҳуқуқлари. 2008 № 4.Б-138

бугунги ёшларнинг долзарб муоммолари партиялар назаридан биров четда қолмоқда. Партияларнинг ёшларга оид сиёсатини хорижий мамлакатлар сиёсий партиялари, жумладан, Россиянинг “Единая Россия” партияси фаолиятларидан айрим қирраларини олиш лозим. Ушбу партия мамлакат миқёсидаги олий уқув юртларини тамомлаган ва иш муоммосига йўлиққан ёшларнинг умумий рўйхатини тузиб чиқиб, уларнинг тегишли тартибда турли ташкилотларга жойлаштиришга ҳаракат қилмоқда.³⁸

Учинчидан, партиялар ўз Уставларида белгиланган партияга аъзолик масалаларига жиддийроқ эътибор берган ҳолда, сонга эмас сифатга урғу беришлари лозим. Республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар бугунги кунда ўз аъзолари сони жихатидан қонунчилик талаб этадиган даражадан анча юқори. Шунини инобатга олган ҳолда партия аъзолигини шарафли эканлигини ҳисобга олиб, партия аъзоларини доимий равишда партия органлари билан боғлиқлигига эришиш лозим. Бунинг учун партия Уставларига партия аъзоси бир йил давомида партиянинг бошланғич ташкилотларининг бирор бир партиявий тадбирларида қатнашмаслиги унинг партиядан ўчирилишига олиб келувчи қоидаларни киритиш лозим деб ҳисоблайман.

Тўртинчидан, партияларнинг домий фаолиятини кўрсатиб берувчи ОАВтизимини ҳам ривожлантириш лозим. Республикамизнинг барча партияларини даврий нашрлари борлиги ижобий ҳол ҳисобланади. Лекин уларга бўлган талаб, улардаги ахборотлар ва долзарб мавзулар талаб даражасида эмас. Партияларнинг газеталари адади нари борса 6-7 минг атрофидаги эканлиги, уларда нашр этилаётган мақолаларнинг кўпчилигида жонлилик этишмаслиги ачинарли ҳолдир. Партияларнинг глобал тармоқ интернетдаги сайтларини ҳам сиёсий партияларнинг мақомига нисбатан тенглаштириб бўлмайди. Сайтдаги деярли барча маълумотлар партия газеталари маътериаллари билан бир хил бўлиб, бу сайтлар худди маълумотлар

³⁸ <http://www.edinoros.ru>

омборига ўхшаш тасаввур пайдо бўлади. Уларнинг дизайнни жуда содда бўлиб, мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгалловчи партияларнинг тутган ўрнига умуман мос эмас. Партиялар сайтларида турли партиявий ва сиёсий лойihalар ишлаб чиқилиши, янги аъзолари тўғрисидаги маълумотлар ва рақамларнинг доимий қиритилиб турилиши зарурдир. Бундан ташқари партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун алоҳида сайловлардаги партиянинг ғояларини тарғиб қилувчи сайловолди сайтлар яратилса мақсадга мувофиқдир. Чунки, телевидения ва радио, нашрлардаги партиявий дастурлар маълум муддатли бўлса, интернетда бу маълумотлар узоқ муддатли ва давомий сақланади.

Бешинчидан, сиёсий партиялар фаолиятини жамоатчилик орасида қандай қарши олинаётганини ва партияларнинг ўз тарафдорларини муоммоларини димий равишда ўрганиш учун партияларнинг **ҳар бирини қошида социологик тадқиқод марказларини очиш лозим.** Бунинг учун партияларда йилдан йилга молиявий асослар шаклланиб бормоқда. Социологик тадқиқод борасида Республикамиздаги Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказини мавжудлигидан қатъий назар бу партияларнинг ривожини учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу марказ барча соҳаларда социологик тадқиқодлар олиб боргани боис унинг имқониятлари чегараланиб қолган.

Социологик тадқиқодлар бугунги кунда фуқоралик жамияти қурилиши ва кўппартиявийлик тизимига тўсиқ бўлаётган муоммоларни таҳлил этишда энг самарали услублардан ҳисобланади. Мисол тариқасида Ислом ҳуқуқи кафедраси билан ҳамкорликда университетимизнинг 70 га яқин талабалари иштирок етган “Фуқоралик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни” мавзусидаги социологик тадқиқод натижаларига мурожаат қилсак (унинг тўлиқ матни иловада кўрсатилган). Сўровномада қатнашган респондентларнинг 60% Ўзбекистондаги сиёсий партиялар тўғрисидаги аниқ маълумотларга эга эмас. Респондентларнинг 72% Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари вазифаларида сезиларли фарқни

кўрмаслигини билдирганлар. Сиёсий партияларнинг қай бирига хайрихоҳлик масаласидаги саволга уларнинг 40% ЎзЛиДеП, 25% ХДП ни кўрсатиб, қолган иштирокчилар сиёсий партияларга ҳали ҳам расмийлик сифатида қарашини кўрсатиб ўтди. Ушбу кичик сўровномадан кўриниб турибдики, мамлакатимиз сиёсий партиялари олдида ҳали ҳал этилмаган кўплаб муоммолар турганини англаган ҳолда, сиёсий партиялар ўз имкониятлари доирасида тизимли равишда бундай сўровларни уюштириб туриши, зарур бўлса ўз социологик тадқиқод марказини очиши лозим.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг мавжуд бўлиши ва реал муносабатларни акс эттирган ҳолда фаолият кўрсатиши – демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқоролик жамиятини барпо этишнинг асосий гарови бўлиб қилади. Сиёсий партиялар фуқоролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни ўзaro мустаҳкам боғловчи. Бугунги кунда республикаимизда давлат бошқарувида ушбу демократик институтнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бу табиий ва тадрижий жараён ҳисобланади.

ИККИНЧИ БОБ. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти вакиллик органларини шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни.

2.1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни.

Бугунги кунда демократик жараёнларни сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловлар фуқороларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ушбу ҳуқуқ орқали улар давлат бошқарувида иштирок этадилар ва фуқоролик фаолликларини кўрсатадилар. Сайловларнинг аҳамияти тўғрисида Президентимиз тўхталиб ўтар экан куюдаги фикрларни билдирадилар: “сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ҳар қайси жамият хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси орзу умидлари ижтимоий кайфиятлари айниқса, яққол намоён бўлади. Шу билан бирга ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши ўз платформаларини белгилаб олиши, буларнинг барчаси табиий ҳолдир. Бусиз ўзи ҳаёт ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди.”³⁹

Республикада икки палатали палеманти шакллантириш масаласини референдум орқали ҳал этилиши давлат ва жамият ҳаётига оид энг муҳим масалаларни умумхалқ муҳокамаси орқали ҳал этилиши белгиланган конституциявий норманинг амалга оширилаётганидан далолатдир. Халқимизнинг 2002 йил 27 январда билдирган иродаси натижасида мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш зарурий ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар қабул қилинишига асос бўлди.

³⁹ Каримов.И.А.Биз ўзкелажимизни ўзқўлимиз билан курамиз.Т.7.-Тошкент.:Ўзбекистон .1995.Б-310

Демакратик давлатнинг асосий белгиларидан бири бу парламентни кўппартиявийлик тамойили асосида ташкил этилишидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлар асосида шаклланар экан, бу жараён сиёсий партияларнинг иштирокисиз амалга ошмайди. “Сиёсий партияларни парламентни шакллантиришдаги иштироки уларнинг асосий электорал функцияси йўлида хизмат қилиб, бу унинг давлат хокимиятини эгаллаш в амалга ошириш учун мўлжалланган ташкилот сифатидаги моҳиятини белгилаб беради. Демакратик жамиятда ушбу мақсадга фақатгини қонуний йўл билан эришиш, яъни сиёсий партияларнинг сайловларда, авваламбор, марказий давлат институтларида давлат бошлиғи ва парламентни шакллантиришда қатнашиши билан амалга оширилиши кўзда тутилади.”⁴⁰

Республикаимиз сиёсий партияларининг Қонунчилик палатаси сайловларида иштироки 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги қонуни билан кафолатланган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (қуйи палата) беш йил муддатга сайланадиган 150 депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади”⁴¹

Ушбу қонунда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш тартиби, номзодларнинг рўйхатга олиш тартиби ва сайлов жараёнларида сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратилиши белгиланди. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловига оид ваколатларнинг энг асосийси уларнинг номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлигидир. Бундай ваколат Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар

⁴⁰ Юдин Ю. Политические партии и право в современном государстве. -М.: ИНФРА-М, 1998. С-191.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 9-10 сон, 132 модда

тўғрисида”ги (12 модда) ва Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлис сайлов тўғрисида”ги (20 модда) қонунларида мустахкамланган.

Ўтган йиллар давомидаги сайловларда номзодлар кўрсатишга доир қонунчиликдаги ўзгартиришларга эътибор берсак, улар тобора сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини мустахкамлаб бораётганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат сиёсий партияларнинг сайловларда ҳақиқий рақобат олиб бориши учун замин тайёрлайди. 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлис сайлов тўғрисида”ги қонуни 20-моддасига кўра, депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари ҳам эга эди.⁴²

Бу норма эндигина шаклланаётган партияларнинг парламент сайловларидаги имкониятларини кескин камайтириб юборар ва партиявий рақобатдошликни йўққа чиқарарди. Қонунчилигимиздан чиқариб юборилган ушбу қонунда Н.Исмоилов атрофлича таҳлил этиб, Ўзбекистон фикрларини билдиради: “мазкур институтнинг бекор қилинганлиги, албатта, сиёсий партиялар ва фуқороларнинг ташаббускорлар гуруҳлари томонидан илгарни сурилаётган номзодларнинг сайланиш имкониятларини кескин ошишига олиб келади.”⁴³

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки этиш ҳуқуқи 2008 йил 25 декабрда Президентимиз томонидан янги “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллашгани муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги қонунига имзо чекиши янада кенгайтиришига олиб келди. Ушбу қонунга кўра сайлов жараёнларида ташаббускор гуруҳларнинг иштироки бекор этилди.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги қонуни эски тавҳири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1994 йил, 1 сон. 6 модда.

⁴³ Исмоилов Н. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайлов тўғрисидаги қонунининг ўзига вхос хусусиятлари// Демакратлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Т.: 2004. № 4. Б-17.

Агар ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор берсак, давлатлар мустақиллигининг илк йилларида жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар фаолияти тўлиқ шаклланмасдан давлат хокимиятини ташкил этиш, вакиллик органларига ўтказиладиган сайлов жараёнларида бевосита фуқоролар ташаббускор гуруҳлари томонидан ўз номзодларини Президентликка ёки депутатликка кўрсатишлари мумкин эди. Улар муаян тараққиёт босқичига етгач, сайлов жараёнларида фуқоролар ташаббускор гуруҳларининг иштироки бекор этилган.

Республикасимиз сиёсий ҳаётида ҳам фуқоролар ташаббускор гуруҳлари томонидан номзодлар кўрсатиши ўтиш хусусияти бўлгани холда, тадрижий ривожланиш асносида бекор этилди. Чунки ташаббускор гуруҳлари томонидан номзодлар кўрсатиш йилдан-йилга такомиллашиб бораётган кўппартиявийлик тизимида самарасиз институтга айланиб қолди. Бу институт бекор қилингунга қадар бўлган охириги сайловларда мустақил депутатлар сиёсий партиялар билан рақобатлаша олмадилар. Мустақил депутатлар гуруҳлари тўғрисида профессор Акмал Саидов тўхталар экан, ўз фикрларини қуюдагича баён этади: “ парламент сайловлари шунини кўрсатадиги, мустақил номзодларнинг аксарияти сайловларда қатнашиш тажрибасига эга эмаслар. Уларнинг етарли даражада йўлга қўйган сайлов компаниясини ўтказиш механизми ҳам йўқ. Сиёсий партиялар бу борада улардан устундирлар. Мустақил номзодларнинг аксарияти сиёсат билан яқиндан ва тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаганликлари учун уларнинг профессионал сиёсатчилар билан рақобатлашиши ва кейинчалик парламентда ўз манфаатларини қатъиятлик билан ҳимоя қила олишларини қийинлаштиради”⁴⁴

Мамлакатимиз сайлов жараёнларида фуқоролар ташаббускор гуруҳлари томонидан номзодлар кўрсатиш институтини бекор этилиши сиёсий партиялар

⁴⁴ А.Х.Саидов. Ўзбекистон сайлов тизимида фуқороларнинг ташаббускор гуруҳлари.// Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси.Т.: 2004.№ 4.Б-17

учун ҳам имконият ҳам масъулият сифатида баҳолашимиз мумкин. Эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасиغا ҳар қандай шахслар эмас, балки жамиятда ўзининг аниқ дастурлари орқали жамоатчилик орасида маълум бир мавқега эга партиялар томонидан номзод кўрсатиши сиёсий партияларнинг ўз дастурларини амалда тадбиқ этилишига янада кенг имкониятлар яратади ҳамда фуқороларнинг сиёсий фаоллигини оширади.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш икки босқичга бўлиш мумкин:

- биринчи босқич, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар номзодларни аниқлаш,
- партиянинг савловдаги иштирокини қўллаб қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш.

Сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасиغا номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида белгиланган бўлиб, сиёсий партиялар фақат ўз аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод қилиб кўрсатишга ваколатлидир. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, сиёсий партияларни ҳозиргача партиясизларни номзод қилиб кўрсатишлари сиёсий партияларнинг кадрлар борасидаги сиёсати ҳали мукамал ташкил этилмагани билдиради. 2009 йилги парламент сайловлари натижасига кўра сайланган тўрт нафар депутат партиясиз хисобланади. Бу ҳолат ўзига хос тушунмовчиликларни олиб келади. Чунки “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги (9-модда) ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида” ги (23 модда) қонунларида партиядан кўрсатилган депутатлар партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаши зарурлиги кўрсатилган. Агар партия аъзоси бўлмаган номзод Қонунчилик палатасиغا сайланган бўлса, у депутатлик фаолияти давомида тўлиқ партия манфаатларини ифода эта оладими?

Бу муоммоли ҳолат юзасидан ўз фикрини билдирар экан россиялик олим Лапаева қуюдаги фикрларни билдиради: “Бундай сиёсий кучсиз ташкилот вазиятдан ўз таркибининг четдан у ёки бу йўл билан аҳоли орасида машхур кишиларни жалб этиш билан, чиқиб кетишга ҳаракат қилади. Бу хатта-ҳаракатлар махсулот бозорида сотиб олувчини алдаш билан тенгдир.”⁴⁵

Ушбу масалани атрофлича таҳлил этсак, унинг замирида бошқа бир муоммо борлигига гувоҳ бўламиз. Республикамиз партиялари орасида кадрлар захираси муоммоси долзарб ҳисобланади. Партиялар сайловлар оралиғида ўз аъзолари орасида доимий равишда семинарлар ва бошқа ўқув дастурлари орқали депутатликка муносиб номзодларни танлаб бориши зарур. Депутатликка номзодларни танлашда асосан бир хил ёндашув, яъни унинг мавжуд ҳудуддаги мавқеи, иш фаолиятидаги натижалари ва моддий қобилиятининг қандай даражада эканлиги ҳозиргача устувор бўлаётгани таъкидлаш лозим. Келажакда бўладиган сайловлар номзоднинг эмас балки партиянинг иш фаолиятига қараб амалга ошишини қўзлаган ҳолда партиялар ўзларининг кадрлар борасидаги ишларини жонлантиришни талаб этилади.

Европа ва дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларида давлат ҳокимиятининг барча жабҳаларида фаолият юритаётган давлат ва жамоат арбоблари партиялардан етишиб чиқади. АҚШда президент сайловларида ғалаба қозонган президент бўшаб қолган икки ярим мингдан зиёд давлат мансабларини аксариятига ўз партиясининг тавсияси билан кадрларни танлаб олади. Чунки ушбу шахслар партиявий рақобатлар натижасида ўзини шахсий ва илмий салоҳиятларини кўрсатишга эришиб, сиёсий жихатдан этук даражада тарбияланади. Мамлакатимизнинг мавжуд партияларида ҳам барча соҳаларда ҳалол рақобат ва мунозаралар тизимли равишда ташкил этилмасдан туриб ғоявий ва сиёсий жихатдан этук арбобларни шакллантириш мумкин эмас.

⁴⁵ Лапаева В.В. Закон о политических партиях: в чем суть альтернативных подходов // Журнал Российского права. - М., 2001 №3. С 14.

Партияларнинг партиясиз номзодларни кўрсатиши бутунлай бекор қилиш лозимлигини англаган ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг сўнги бандига “Сиёсий партиялар фақат ўз партиясиз аъзоларини депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир” тарзида ўзгартириш киритиш зарур деб ҳисоблайман.

Партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракцияларида қонунчилик борасидаги иштирокини кенгайтириш ва мукамаллаштириш мақсадида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган номзодлар орасида юристлар сонини ошириш зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 22- моддасига қуюдаги бандни қўшиш мақсадга мувофиқдир: **“Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини юристлар ташкил этиши лозим.”**

Бу қонуннинг киритилиши қонунчилик жароёнида сиёсий партияларнинг фаолиятини янада фаоллаштириб, қонунларнинг халқчиллигини оширади.

Номзодлар кўрсатишнинг иккинчи босқичи – бу сиёсий партияларнинг сайловда иштирокини қўллаб қувватловчи имзолар тўплаш ҳисобланади. Қонуннинг 20-моддасига кўра сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш учун республикаимизнинг маъмурий ҳудудий тузилмаларида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаш зарур ҳисобланади. Ушбу миқдор сайлов тизимига киритилган ўзгартиришлар туфайли эллик мингдан қирқ мингга камайтирилиб, сиёсий партиялар учун янада янгилик берилишига қолиб келди.⁴⁶

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлиги номзодлар кўрсатишнинг якуловчи босқичи бу расмий рўйхатга олиш бўлиб, бу бир томондан партиялар учун сайловнинг кейинги босқичига

⁴⁶ “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллашгани муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги қонуни 3-модда .

йўл очиб берадиган юридик фактдир. Айни шу фактнинг мавжудлиги сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини амалга ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайловолди ташвиқоти сиёсий партияларнинг савловолди фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Сайлов ташвиқоти бу сайлов ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлиб, у ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонуннинг 27- моддасига кўра, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситалларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши кўрсатилган.⁴⁷

Сайловолди ташвиқоти даврида сайловчиларга бериладиган номзодлар ва уларнинг дастурлари тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ равшан бўлиши зарур. Шу билан бирга номзодларга таалуқли мулклар тўғрисидаги маълумотлар берилиши сайловчилар олдида келиб чиқадиган турли тушунмовчиликларни олдини олади. Чунки сайловчи номзодларнинг моддий аҳволига доимо эътибор бериб келган ва буни табиий жараён деб қараш лозим. Ушбу ҳолатга И.Беков ўз тақлифиини бериб, номзодларнинг моддий ҳолати бўйича Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партиялар томонидан бериладиган ҳужжатларга қўшимча маълумот сифатида қонуний маълумотлар беришни тақлиф этади.⁴⁸

Бу амалиёт бугинги кунда Ғарбий Европанинг барча малакатлари ва Россияда ҳам қўлланилмоқда. Унинг мамлакатимиз қонунчиликмизда қўлланилиши сайловчилар ва номзодлар ўртасидаги яна бир пардани олиб ташлалайди ва демократик сайлов принципларидан бўлган ошкораликни таъминлашга йўлидаги яна бир қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда сиёсий партияларнинг муваффақиятли иштироқи Қонунчилик палатасидаги партиялар фаолиятига йўл очиб беради. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисидаги қонун

⁴⁸ И.Беков “Олий Мажлис Қонунчилик палатасини фаолиятида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари .ю.ф.н. дис...б

партиялар иштироки эса ҳар бир ривожланган демократик-ҳуқуқий давлат парламентида сиёсий партиялар фаол иштироки муқаррар бўлгани каби табиий ва муҳим ҳодисадир. Чунки сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг марказий бўлаги сифатида ижтимоий-сиёсий тизим ёки ҳаётда муҳим ўрин эгаллайдилар.”⁴⁹

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида” ги қонуннинг 9-моддасида “фракция сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузилган ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлик бирлашмасидир.”⁵⁰

Кўппартиявийлик тизими амал қилаётган давлатларда парламент ҳар доим ўз таркибига кўра партиявий хусусиятга эга бўлади. Зеро, ушбу ҳолатда, “сиёсий партияларсиз парламентаризм қуриб бўлмайди” деган машҳур ақида амал қилади.⁵¹ Зотан демократик ҳуқуқий давлатда парламент шаклланиш шакли сифатида кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайлов ягона мақсади бўлган йўл бўлганидек, парламент ташкил этилиши ва фаолиятида ҳам сиёсий партиялар ва уларнинг бирлашмалари ўрни ва аҳамияти юқори бўлади. Сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги иштироки шаклини қуюдагича таснифлаб, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ:

–сиёсий партия вакилларининг парламентдаги фаолияти;

–сиёсий партия вакиллари бирлашмалари (депуталик бирлашмалари, гуруҳлари, фракциялари) инг парламентдаги фаолияти;

бир неча сиёсий партиялар фракцияларининг биргаликдаги фаолияти. Бунда сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда

⁴⁹ Аҳмедов Д. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Тошкент.: ТДЮИ, 2004. Б-5

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2003 № 9-10. 136 модда

⁵¹ Юдин Ю. Политические партии и право в современном государстве. -М.: ИНФРА-М, 1998. С-217.

тутилган ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг мустақиллиги чеклаб қўйилмайди.⁵²

Ҳозирда Республикамизда мавжуд сиёсий партиялар 2009 йилги сайлов якунлари бўйича 53, ХДП 32, Миллий Тикланиш 31, Адолат СДП 19 нафар депутатлик ўринларига эга бўлиб ўз фракцияларини тузишга эришдилар. Улар Қонунчилик палатасидаги фаолияти даврида партия мақсад ва вазифалари, дастурларидан келиб чиқган ҳолда иш юритадилар. Республикамиз ОАВни кузатиб борсак, Қонунчилик палатасидаги қонунлар муҳокамаси пайтида фракциялар қонун лойиҳалари партиялар дастурларига қанчалик мослиги нуқтаи назаридан қарашлари кучайиб бормоқда. Мисол учун Қонунчилик палатасида ўтган ойларда муҳокама этилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини оладиган бўлсак, ЎзЛиДеП бу лойиҳанинг тадбиркорлик субъектларига моддий жихатдан зарар етказмаслиги учун таклифлар берса, ХДП бу ҳолатда аҳолининг маънавий қиёфасига таъсир этмаслиги масаласини кўтардилар. Бу жараёнлар парламентимизнинг ривожига хизмат қилиш баробарида қонунларнинг пухта яратилиши учун ҳам фойдалидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиб чиқиб, уларнинг Қонунчилик палатасисининг ваколатларини таҳлил этиш баробарида бир неча асосий йўналишни кўрсатиш мумкин.

Қонунчилик соҳасидаги фаолияти. Сиёсий партия фракцияларининг Қонунчилик жараёнидаги иштироки алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу қонунчилик фаолиятининг асосий функцияси ҳисобланади. ушбу жараённи узоқ муддатли ва мураккаб жараёнлигини инобатга олиб, фракцияларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини бу борада кўрсатиш мумкин.

⁵² И.Беков “Олий Мажлис Қонунчилик палатасини фаолиятида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари .ю.ф.н. диссертация

Фракцияларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштирокини унинг иштирокчилари доирасига қараб қуюдаги йўналишларни кўрсатиш мумкин.

-Қонунчилик ташаббуси ҳуқуққидан фойдаланиб, фракция аъзолари томонидан янги қонунларни ишлаб чиқиш,

-Бирор бир қўмита томонидан муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларини фракция томонидан муҳокама этилиши,

-Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси юзасидан фракция таклифини киритиш,

-Муайян бир қонун муҳокамаси юзасидан келишув комиссияси тузиш масала киритиш.⁵³

Юқоридаги масала борасида парламентимиздаги фракциялар фаолигида кўриб ўтсак, Адолат СДП фракция томонидан 2006 йил давомида 30 дан ортиқ қонун лойиҳасини тайёрлаган бўлса, 2007 йил давомида 44тани ташкил этди.2008 йил давомида эса фракция тарафидан 19 та қонун лойиҳаси бўйича таклифлартайёрлади ва тегишли қўмитага тақдим этди.2008 йил давомида Миллий Тикланиш ДП аъзолари томонидан 60 га яқин қонун лойиҳалари ўзтаклифлари бўйича фаол иштирок этиб, ўз фикрларини билдирди. Жумладан, Азамат Зиё “Музейлар тўғрисида” ги Қонунни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан киритди ва ушбу қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси раҳбар органларини шакллантириш борасидаги ваколатлари. Бу ҳолатни Қонунчилик палатаси спикери ва унинг ўринбосарини сайлашда кўриш мумкин. Ҳар бир фракция қавйсси номзодга овоз беришни ўз йиғилишларида хал этадилар. Қонунчилик палатасида ҳар бир фракция спикер ўринбосаври лавозимларидан бирини эгаллашга қафолатли ҳуқуққа эга. Шунингдек Қонунчилик палатаси фаолиятини ўзига хос хусусияти шундаки, Қонунчилик

⁵³ И.Беков “Олий Мажлис Қонунчилик палатасини фаолигида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари .ю.ф.н. дис.. Т. БҒ116

палатасидаги қўмита раислари, унинг ўринбосарлари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси патияга ёки гуруҳга мансублиги ҳамда, сайловларда сайловчиларнинг қанча овозини олгани инобатга олган яхлит қарор қабул қилинади. Этакчи сиёсий партиялар фракциялари муҳим соҳаларни ўз қўлларига оладилар.

Фракциянинг парламент раҳбар органларини шакллантиришдаги роли хорижий мамлакатларда кенгроқ доирани қамраб олади. Кўплаб мамлакатларда спикер номзоди фракцияларнинг ўзоро келишувига кўра ёхуд кўпроқ ўринини эгаллаган сиёсий партия фракцияси томонидан кўрсатилади. Мамлакатимиз сиёсий партияларнинг бугунги ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, қонунчилигимизга ҳам ушбу қонидани киритиш лозим деб ҳисоблайман. Бу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси 6-қисми қуюдаги шаклда ифода этилиши керак бўлади: **“Оқсоқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган сиёсий партиядан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.”** Бу норманинг киритилиши сайловларда сиёсий партияларининг янада фаолроқ иштирокини таъминлаб, партиялараро рақобатни кучайтиради.

Аввалги қонунчилигимизга биноан спикер ўринбосарлари ўз фаолити даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туриб партия фракциялари кириши мумкин эмасди. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг қабул қилиниши натижасида бу нормага ўзгартириш киритилди ва унинг 3-моддасига биноан ҳар бир партия фракцияси ўз вакилини спикер ўринбосарларидан бири лавозимини эгаллашда қафолатли ҳуқуқга эга бўлди. Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг ташаббусига биноан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари баъзи

нормаларини амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида” ги Қонунига кўра 2007 йил 27 июлда Қонунчилик палатаси спикер ўринбосарлари сайланди.

Ташкилий масаларни тайёрлаш ва хал этишга доир ваколатлари. Қонунчилик палатаси мажлисларининг кун тартибида муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиб тартиби ва мохияти юзасидан, таклифлар ҳамда фикр мулохазаларни киритишга ҳақлидир. Фракция ва депутатлик гуруҳлари навбатдан ташқари мажлис чақиришни талаб этишлари ва Олий Мажлиснинг кўшма мажлисини чақириш ваколатларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламети 3- модда) ҳам эгадир.

Парламент назоратини амалга ошириш юзасидан ваколатлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтиришлар бериш ёки Ўзбекистон нуқтаи назарини баён баён қилиш талаби билан билан чиқиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси фракцияларининг ҳукумат аъзоларини ва уларнинг фаолияти масалалари юзасидан чиқиш қилиш масаласини қўйиш ҳуқуқи ҳам мавжуддир.

Қонунчилик юзасидан назорат таҳлил олиб бориш. Бу ҳам партия фракцияларининг муҳим йўналиши бўлиб, бу фаолият орқали сиёсий партиялар фракция жорий қонунларнинг қанчалик ижро юэтилаётганидан хабардор бўладидлар.

Сиёсий партиялар фракцияларининг фуқоролар билан бевосита фаолияти бўлиб, унга аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, сайловчилар билан учрашишлар ўтказиш ҳамда фуқороларнинг муроғжаатларига жавоб бериши каби соҳалар киради. Фракцияларнинг бу фаолиятини ўтган даврига назар ташласак, 2008 йилда Ўзбекистон ХДП томонидан сайловчилар билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар аҳамиятини тушунтириш ва уларнинг бугунги кундаги муоммоларини ўрганиш

ва ҳал этиш мақсадида 735 та учрашув ташкил этилган. Депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сайлов округларида 1266 нафар фуқоро қабул қилинган бўлса, Миллий Тикланиш ДП фракция аъзолари сайловчилар билан 800 марта учрашувлар ўтказиб, 495 фуқорони қабул қилган. Ўзбекистон Адолат СДП фракция томонидан 231 учрашув ўтказилиб, депутатлар 179 нафар фуқорони мурожаатларига жавоб берганлар.

Бугун мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, демократик янгиланишлар сиёсий партияларнинг фаолиятини янада жонлаштиришни талаб этмоқда. Бу ҳолат сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланиб, уларнинг қонунчилик соҳасидаги иштирокини янада кучайтиришга эҳтиёж туғилмоқда. Республикамизда сўнги йиллардаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши эса улар учун зарурий ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳақиқий профессионаллар жамланганини ва фракцияларнинг фаолият доирасини кенгайтгани ҳисобга олиб, эндиликда фақат улардан ўз вазифаларига жиддий ёндошган ҳолда бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиги қонунларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни.

Дунёдаги демократик фуқоролик жамиятларида ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига асосланган давлат қурилишига ўтилган. Ҳокимиятнинг нисбатан мустақиллик асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига болинади. Республикамизда ҳам ҳокимиятнинг бўлиниш принципини изчил амалга ошира бориб, давлат ҳокимияти тизимида чуқур ислохотлар қилинди. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва демократик ҳуқуқий

давлат барпо этиш жараёнидаги энг мухим вазифалардан бири бозор муносабатларига асосланган иқтисодий этиш барпо этиш бўлса, иккинчи мухим вазифа Республикада давлат ҳокимият ининг вакиллик ва фуқоролар нинг ўзини ўзи бошқариш органларининг янги мустақиллик шароитига мос келадиган тизимини яратиш эди. “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 1992 йил январдан бошлаб вилоят, туман ва шаҳарларда жойларда вакиллик ҳамда шжроия бошқарувига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик лавозими ташкил этилди. Бундан ташқари маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун 1993 йил 2- сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Конституция ва бошқа соҳага доир ҳужжатларда белгиланган бўлиб, улар қуюдагича тизимланиади:

–Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси –Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакилик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

–Қороқолпғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қороқолпғистон Республикасидаги бутун давлат аппаратининг ягона ва доимий асоси бўлиб, у давлатни бошқа органларини сайлайди ёки тузишда иштирок этади, улар фаолияти устидан назорат олиб боради. Жўқорғи Кенгеси давлат ҳокимият ининг олий органи сифатида Қороқолпғистон Республикаси ихтиёрига берилган барча масалаларни ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эга.

–Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилиқ қиладиган халқ депутатлари Кенгаши ҳокимият нинг вакиллик органи бўлиб, улар давлат ва фуқороларнинг манфаатларини кўзлаб, ўзваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Республикасимиздаги вакиллик органларини бундай тартибда тизимлаштирилиши мамлакатмизнинг худудларига ва тарихий бошқарув шаклларимизга қараб амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси тузилиш шаклига кўра унитар мамлакат хисоблансада, унинг таркибида мустақил Қорақолпғистон Республикаси мавжуд бўлгани туфайли баъзи олимларимиз унитар кўринишдаги федератив республика деган иборани ишлатишади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг XVII боби Қорақолпоғистон Республикасига бағишланган бўлиб, Қорақолпғистон Республикасининг суверенитети тан олинган. Қорақолпғистон Республикаси ўзконституциясига ҳам эга бўлиб, унда Конституция Республикасининг фуқороларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолотланган. Конституция Республика фуқороларига сиёсий пратияларга бирлашиш эркинлигини бериб, ушбу ҳуқуқни Конституциянинг 32 ва 58 моддаларида белгилаб берган.

Қорақолпғистон Республикасида Жўқорғи Кенгеси олий давлат вакиллик органи бўлиб, у қонун чиқарувчи хокимиятни ифодалайди. Жўқорғи Кенгеси худудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат. Сайловларда сиёсий партиялардан кўрсатилаётган номзод албатта ушбу худудда яшаши ёки ишлаши зарур хисобланади. Жўқорғи Кенгесининг биринчи мажлиси сайловдан икки ой кечиктирилмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Малумки, Қорақолпғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси профессионал тартиб давлат фаолият юритмай, унинг ташкилий шакли бўлган сессиялар даврида фаолият юритади. У ўз ваколатлари доирасидаги барча қонунчилик ва назорат ишларини олиб боради. Жўқорғи Кенгеси депутатлари кўппартиявийлик асосида сайлангани боис ундага партия гуруҳларининг иштироки ҳам Конституциянинг 84-моддасида куюдагича кўрсатиб ўтилган: “ Қорақолпғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг таркибига

Жўқорғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосарлари, Жўқорғи Кенгес қомиталари ва комиссияларининг раислари, Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳларининг раҳбарлари киради.”⁵⁴

Қорақолпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг барча сиёсий партиялари ҳудудий ташкилотлари мавжуддир. Улар сиёсий ҳаётнинг ажралмас бўлагига айланиб бораётганини ҳисобга олиб, Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам партиявий рақобатни кучайтириш мақсадида Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳларининг фаолиятини кучайтириш зарурати туғилади. Жўқорғи Кенгеси Қорақолпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи бўлгани ва унинг суверенлиги эътироф этилган ҳолда **партия гуруҳлариг фракция мақомини бериш лозим деб ҳисоблайман.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83- моддасига кўра ўздавлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақолпоғистон Республикаси Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. Лекин мамлакатимизда икки палатали тизим шакллангандан бери Қонунчилик ташаббуси энг пассив субъектларилардан бири Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳисобланади. Бу бир тарафдан ушбу вакиллик органининг сиёсий жихатдан аҳамиятини туширади. Бугунги кунда Қорақолпоғистон Республикасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва айниқса экологик муоммолари кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб Жўқорғи Кенгесида партия гуруҳларининг ҳуқуқий мақомини ошириш ҳамда улар орасидаги рақобатни кучайтириш зарурий омилга айланмоқда. Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси фаолиятида партия гуруҳлари иштирокининг кенгашиши ушбу республикада қабул қилинаётган қонунларнинг мукамаллигига хизмат қилиш баробарида, икинчи тарафдан Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунларига мослигини янада такомиллаштиради.

^{54 54} Қорақолпоғистон Республикаси Конституция. Ўн иккинчи чақириқ Қорақолпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакилик органлари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар аҳолига энг яқин ҳисобланувчи ва таъсирчан хусусиятли давлат органидир. Мамлакатимизда охириги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг ролини ошириш мақсадида қатор чоралар қўрилмоқда. Жумладан, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши айниқса бу борадаг ҳқаракатларни янги босқичга кўтарди. Қонуннинг қабул қилиниши бир томондан ҳукумат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини оширса, иккинчи томондан сиёсий партияларнинг марказда ва жойлардаги фаолиятини янада жонлантиради. Ушбу қонуннинг 6 моддасида белгилаб берилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби тегишли Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг вазифаларини ошириб, уларнинг зиммасига янада фаол иштирок этишни юкламоқда. Вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли ҳокимларнинг қониқарсиз фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ҳуқуқинин Конституциявий қонунга киритилиши партияларнинг жойлардаги ижро ҳокимиятига таъсир ўтказишнинг қонуний шароитларини яратди. Бу тизим орқали эндиликда марказда ва жойларда сиёсий партиялар фаолияти тубдан ўзгариб, аҳоли ўртасида партияларга бўлган мусосабатларни жиддийлаштиради. Сиёсий партияларнинг жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги фаол иштироки жамиятимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг амалга оширишни янада жонлантириб, мамлакатимизда барпо этилаётган фўқоролик жамиятининг таянчини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир

Хулоса

Ҳозирги даврда фуқоролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат куриш вазифалари сиёсий партияларлар фаолиятини такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг “Кучли давлатдан – кучли фуқоролик жамияти” сари одимлар экан, албатта бу жараёнда фуқоролик жамияти институтларидан бири бўлган сиёсий партиялар роли ва аҳамиятини ошириш заруратга айланади. Ана шу заруратни англаган ҳолда сўнги йилларда мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий партияларга доир миллий қонунилимиз такомиллаштирилди. Бунинг натижасида “сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги хокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.”⁵⁵

Қонунлар инсон ва унинг манфаатларига ҳизмат қилиши ва жамиятимиз ҳаёти кундан –кунга тезлик билан ўзгариб бориши барча сохалардаги қонунларни замон макон қоидаларига мос равишда такомиллашиб боришини талаб қилади. Республикамиздаги сиёсий партияларнинг бугунги кундаги фаолиятини таҳлил этиб, уларга доир бир қатор нормаларни таҳрир этиш заруратини туғдиради.

I. Сиёсий партияларни жамиятдаги иштирокининг зарур шарти бўлган молиялаштиришга доир қонунчилик юрасидан таклифлар.

1. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунинг 7 моддаси 2-бандини “Сиёсий партияларнинг уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни

⁵⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.–Б-9.

ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқоролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади” шаклида ўзгартириш таклифи киритилмоқда.

2. “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунининг 13, 14 моддаларидаги Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсларининг хайрия ёрдамларининг миқдорини ҳам кўриб чиқилиши лозим. Ушбу моддаларда белгиланган сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларидан оладиган хайрия маблағларини йиллик миқдорига қўйилган чекловни энг кам иш ҳақининг ўн минг баробарига, Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларидан оладиган хайрия маблағларини йиллик миқдорига қўйилган чекловни энг кам иш ҳақининг минг баробарига ошириш лозим.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги фаол иштироки унинг узвий равишда таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини англаган ҳолда ушбу таклифлар сиёсий партияларнинг “доимий ҳаёт” бўлишига хизмат қилади.

II. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракциялари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига доир қонунчилик юзасидан таклифлар.

1. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида сиёсий партиянинг фаолияти тугатилиш асослари кўрсатилган бўлиб, ушбу моддага сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кейинги ҳолати кўрсатилган қисм билан тўлдирилиши лозим. Чунки бугунги кунда Қонунчилик палатасида мустақил номзодлардан сайланган депутатларнинг гуруҳлари мавжуд бўлмай ҳар бир депутат қайсидир фракциянинг аъзоси бўлиши шарт.

2. Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия гурухлари фаолиятини жонлаштириш учун Жўқорғи Кенгеси партия гурухларига фракция мақомини бериш лозим.

III. Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки доир қонунчилик юрасидан таклифлар.

1. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасида сайловларда сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этидиган хужжатлар рўйхатига қўшимча равишда, депутатликка номзодларнинг моддий ҳолати бўйича маълумотларни киритиш лозим.

2. “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 22 моддасига “Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини юристлар ташкил этиши лозим” деган бандни қўшиш лозим.

3. “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида сиёсий партияларнинг партиясизларни номзод қилиб кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани чиқариб ташланиб ва ушбу бандни қуюдагича белгиланиши лозим деб ҳисоблайман: “Сиёсий партиялар фақат Ўзбекистон партияси аъзоларини депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.”

IV. Сиёсий партияларнинг ташкилий масалаларига доир умумий таклифлар.

1. Республикамиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг аъзолари сони қонунчиликда белгиланган миқдордан анча юқори даражага етганлигини инобатга олган ҳолда сиёсий партиялар партия аъзолари билан доимий алоқани

сақлашни ва уларнинг сиёсий фаоллигин кўзлаган холда ўз уставларига **“партия аъзосининг бир йил давомида бошланғич ташкилотлар томонидан ўтказиладиган бирор-бир партиявий тадбирларга қатнашмаслиги унинг партиядан чиқарилишига асос бўлади”** шаклидаги қонидани киритиш лозим. Шунда партиялар аъзоларининг сон жихатидан ўсишига эмас балки сифат жихатидан ўсишига олиб келади.

2. Сиёсий партияларнинг ОАВ даги фаолиятини ошириш лозим. Бу айниқса интернет тармоқларидаги сайтларини такомиллаштириш, сайловолди сайтлар яратиш масалаларида кўпроқ меҳнатни талаб этади.

3. Республикамиздаги сиёсий партияларнинг моддий имкониятларини оширилиши замирида хар бир партия қошида ўз тарафдорлари муоммоларини ўрганиб бориши ва ушбу масалани умумдавлат манфаати юзасидан ҳал этишни таҳлил қилиши учун социологик тадқиқод марказларини очиш лозим деб хисоблайман.

Мустақилликдан сўнг Республикамизда сиёсий партиялар фаолиятини ривожлантириш учун қонунчилигимизга киритилаётган хар бир ўзгартиришлар, партияларнинг жамият ҳаётида муҳим рол ўйнаши ва эркин фаолият юритишини кўзлаб амалга оширилмоқда. Зеро, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёнида ушбу институтлар марказий аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Тошкент: Ўзбекистон; 1996. 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби.Т.4. Тошкент: Ўзбекистон; 1996.394 б.
- 1.3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, еркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. Т.8. Тошкент: Ўзбекистон; 2000. 525 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Тошкент: Ўзбекистон; 2005. 448 б
- 1.5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари –олий қадрият. Т.14. Тошкент: Ўзбекистон; 2005. 280 б.
- 1.6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент: Маънавият; 2008. 174 б.
- 1.7. Каримов И.А. Енг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришю. Т.: Ўзбекистон, 2009.- 24 б.
- 1.8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: “Ўзбекистон ”, 2010.–80 б.

2. Қонун ва қонун ости ҳужжатлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т .: Ўзбекистон, 2008. 40 б.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси -1997. 2-сон, 36 модда.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни. (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 2003. 9-10 сонлар. 132 модда.

- 2.4. Ўзбекистон Республикаси “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1991-4-сон. 76 модда
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси “Фуқороларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатотлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1994. 5-сон. 124 модда
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни. 1999 5-6 сон, 95 модда
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 200200.4-5 сон, 60-модда.
- 2.8. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисидаги” Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 2002 12-сон, 215 модда.
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни. 2003. 9-10 сон 134 модда
- 2.10. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2003, 9-10 сон, 136 модда
- 2.11. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2004. 5-сон, 86-модда
- 2.12. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2007 1- сон, 2 модда
- 2.13. Ўзбекистон Республикаси “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим

конунларига ўзгартиришлар ва ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” конун. 2008.26 декабр.Халқ сўзи.

2.15.Қорақолғистон Республикаси Конституция. Ўн иккинчи чақирик Қорақолғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида 1993 йил 9апрелда қабул қилинган.

3. Махсус адабиётлар.

3.1. Ахмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Т: ТДЮИ, 2004. 28 б

3.2. Аббосхўжаев С.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш: юрид.фан.ном. дис. ...-Тошкент, 2007.-156 б

3.3. И.Беков, К.Ҳамидова. Сайлов ва сиёсий партиялар.Тошкент: 2009.Б-7

3.4. И.Беков “Олий Мажлис Қонунчилик палатасини фаолиятида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари .ю.ф.н. дис..

3.5. Беков И.Р. Сиёсий партиялар ва жамиятни демакратлаштириш.Т .: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази., 2009. 31 б.

3.6.Давлат хокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Т, ТДЮИ

3.7. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг Қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.Ўзбекистон , 2001-384б

3.8. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон конунларининг қарор топиши ва ривожланиши Т.,Ўзбекистон ,1999 й.

3.9.Сиёсий партиялар ва жамиятни демакратлаштириш Т.:ТДЮИ нашриёти, 2009. 31 бет.

3.10. Қирғизбоев М. Фуқоролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар маданиятлар. Т. Шарқ 1998 й.-160 б

- 3.11. М.Қирғизбоев. Ўзбекистон на пути гражданскому обществу. Ўзбекистон фуқоралик жамияти сари. Сборник статей. Отюред.: Р.Алимов.- Т.: Шарқ, 2003. 224 б
- 3.12. Хусанов О.Т. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларга шарҳлар. -Т,Адолат, 2007й. 52
- 3.13. Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. М.:ИНФРА-М, 1998.-350 с
- 3.14. Юдин Ю. Финансирование политических партий в зарубежных странах. (Правовая регламентация) М.: Государство и право, 1996, № 6.215 с.
- 3.15. Лапаева В.В. Право и многопартийность современной России.-М.: Норма, 1999 300-с.
- 3.16. Дювержи М. Политические партии.-М.: Академический Проект, 2005. 554 с
- 3.17. Чиркин В.Е. Правовое положение политических партий: российский и зарубежный опыт. Журнал российского право.-М., 1999 -№ 3-4, 448 с.
- 3.18. Германиянинг сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонуни.Т., Мабул муқаррирлар А.Саидов, Райдрат Крумм Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.2007.160 б.
- 3.19. Саидов А.Х. Ўзбекистон сайлов тизимида фуқороларнинг ташаббускор гуруҳлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси.Т.: 2004.№ 4.Б-17
- 3.20. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Конституцияси. Ўзбекистон, 1977. 54 б.
- 3.21. Ўзбекистон ХДП нинг Низоми ва Дастури, 1992 Б- 22-24
- 3.22. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Масъул муҳаррир Н.Тўйчиев.-Т.: Адолат, 2009.Б-548

- 3.23. Х.Юнусов. Ўзбекистон демократик ислохотлар: тадриж ва такомил.: Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.; 2007.№ 3Б -8
- 3.24. Нодира Расулова. Сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари.//Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари. 2008№ 4.Б-138
- 3.25. Ўзбекистон Республикаси Парламент ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Масул мух.проф.Тўлаганов А.Т. Т.: ТДЮИ. – 2006. 230 б.
- 3.26.Тадбиркорлар ва Ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Дастури. Тошкент 2008.32 б.
- 3.27.Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг 2005-2009 йиллардаги ҳисоботи.

4.Интернет материаллари

- 4.1.[http//www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- 4.2. [http//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- 4.3. [http//www.uzlidep.uz](http://www.uzlidep.uz)
- 4.4. [http//www.21asr.uz](http://www.21asr.uz)
- 4.5. [http//www.adolat.uz](http://www.adolat.uz)
- 4.6. [http//www.mtdp.uz](http://www.mtdp.uz)
- 4.7. [http//www.eko.uz](http://www.eko.uz)
- 4.8. [http//www.demparty.ru](http://www.demparty.ru)
- 4.9. [http//www.edinos.ru](http://www.edinos.ru)
- 4.10. [http//www.ldpr.ru](http://www.ldpr.ru)
- 4.11. [http//www.kprf.ru](http://www.kprf.ru)
- 4.12. [http//www.election.uz](http://www.election.uz)

Иловалар

Илова №1

“Фуқоралик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни” мавзусидаги социологик тадқиқод саволлари.

1. Давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан қизиқасизми (жумладан, давлатни бошқариш масалалари, ички ва ташқи сиёсат, сиёсий партиялар фаолияти ва хоказоларга.)

1. Мамлакатимизда булаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга кизиқиш билан қарайман (бевосита иштирок этаман), сиёсат билан боғлиқ воқеалар ривожини мунтазам кузатиб бораман

2. Ижтимоий-сиёсий жараёнларни вақти-вақти билан кузатиб бораман, мунтазам эмас

3. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни кузатмайман, бунга менинг вақтим йук.

2. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига кизиқишингизнинг сабаби нимада?

1. Ҳозирги замонда ҳар бир фуқаро содир булаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши керак

2. Бунга касбим ва хизмат вазифам такозо этади

3. Жавоб беришим кийин

3. Ўзингизни ижтимоий-сиёсий жихатдан фаол фуқаро деб ҳисоблайсизми?

1. ҳа

3. йук

2. маълум даражада

4. жавоб беришим кийин

4. Давлатимизнинг ички сиёсий ҳаёти, асосий сиёсий институтлари (Олий Мажлис, Сиёсий партиялар ва б.) фаолиятдан хабардорлик даражангизни қандай баҳолайсиз?

1. Тўлиқ ва батафсил маълумотга эгаман

2. фақат касбим ва иш фаолиятимда керак буладиган маълумотларга эгаман

3. кисман, фақдт айрим маълумотларгагига эгаман

4. ҳеч кандай маълумотга эга эмасман

5. жавоб беришим кийин

5.Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг дастурий максадлари вазифаларида сезиларли фаркни кўрасизми?

1. ҳа

2. йук

3. жавоб беришим кийин

6. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган бирор бир сиёсий партияга хайрихоглигингиз борми?

1. ҳа

2. йўқ

3.хайрихолик иқтисодий фойдали бўлса ҳа.

4. Сиёсий партияларга хали ҳам расмиятчилик сифатида қарайман.

7.Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар хакида кандай бирламчи маълумотга эгасиз?

| Сиёсий партия (СП) номи | СП Электорати | СП аъзолари сони | ЎзР ОМ ҚИИ даги СП фракцияси | СП етакчиси Ф.И.Ш. | СП ахборот нашрининг номи (газета, журнал,сайт) |
|-------------------------|---------------|------------------|------------------------------|--------------------|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

8.Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қайси қонунлар билан танишгансиз?

1. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун
2. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун
3. “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги,
4. партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунларни ўқимаганман.

9. Мамлакатимиз партиялари ўз тарафдорлари манфаатларини қай даражада ифодамоқдалар?

1. Партиялар ўз тарафдорлари манфаатларини қабул қилинаётган қонунларларда ифодалядилар
2. Партиялари ўз тарафдорлари манфаатларини маълум бир қисмини бажара оладилар холс
3. Партиялари ўз тарафдорлари манфаатларини фақатгини давлат органларининг махсус дастурлари ва топшириқлари доирасида ифодалядилар холос
4. Улар бундай даражага ҳали эришгани йўқ.

10. Сиёсий партиялар Ёшлар қаноти гурухлари фаолиятини қандай баҳолайсиз?

1. Ёшлар қаноти гурухлари фаолияти кенгайиб бормокда
2. Ёшлар қаноти гурухлари фаолияти Камолот ЁИХ фаолиятидан фарқи йўқ
3. Ёшлар қаноти гурухлари расмиятчилик учун тузилган
4. Ёшлар қаноти тўғрисида эшитмаганман